

# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi [www.qishloqhayoti.uz](http://www.qishloqhayoti.uz) 2013-YIL 25-APREL, PAYSHANBA, 51-52 (8133)-sonlar 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 апрель куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Давлатимиз раҳбари икки томоннинг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари узоқ муддатли асосда барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Давлатлараро муносабатлар ва ишбилармон доиралар, фан-таълим соҳаси, Ўзбекистон ва АҚШнинг фуқаролик жамиятлари вакилларининг самарали ҳамкорлиги ўзаро ҳурмат ва манфаатларни инобатга олиш тамойиллари асосида изчил ривожланиб келмоқда.

Сўхбат асносида томонлар долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар, жумладан, Афғонистондаги ҳозирги вазият юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат котибининг ёрдамчиси самимий қабул ҳамда Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига доир муҳим масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентиغا миннатдорлик изҳор этди, АҚШ раҳбарияти турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида бундан буён ҳам биргаликда иш олиб бориш тарафдори эканини қайд этди.

Ўза

## “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН “СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Ҳурматли конференция иштирокчилари! Авваламбор, сиз, азизларни – “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган халқаро анжуман қатнашчиларини, Жамғарманинг барча ходимлари ва фаолларини бугунги кутлуғ сана билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мустақил Ўзбекистон тарихида ҳукуматга қарашли бўлмаган биринчи жамғарма сифатида ташкил топган, ноёб ва бетакрор хусусиятлари билан ажралиб турадиган ушбу ижтимоий тузилма ўтган давр мобайнида, ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда кўпгина ютуқ ва марраларга эришди.

Айниқса, юртимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилишдек эзгу мақсадга қаратилган, дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган “Соғлом она – соғлом бола” дастурини ҳаётга жорий этишда Жамғарманинг беқиёс ўрни ва моҳиятини ўлчаш ва баҳолаш қийин.

Азал-азалдан ўзининг болажонлиги, оилага меҳри ва садоқати билан танилган эл-юртимизнинг, халқимизнинг қалбида доим сақланиб келаётган бундай олижаноб интилишлар мустақиллик йилларида Ўзбекистонда том маънодаги умуммиллий ҳаракатга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида замонавий пе-

ринатал ва скрининг марказлари бунёд этилгани, биргина 2012 йилда тиббиёт муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш, диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун 263 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, бу йўналишдаги ишларимизнинг кўлами ва миқёсидан далолат беради.

Юртимизда шаклланган репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича миллий модель Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилгани, ҳеч шубҳасиз, халқаро миқёсдаги юксак эътирофдир.

Бундай улкан ютуқларни кўлга киритишда кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда “Соғлом авлод учун” жамғармаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бунинг Жамғарма томонидан 1996 йилдан буён мамлакатимизнинг чекка ва олис туманларида яшаётган 3 миллиондан зиёд юртдошларимизга малакали тиббий-ижтимоий патронаж ёрдами кўрсатилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мазкур Жамғарма билан деярли бир вақтда таъсис этилган, мустақил Ватанимизнинг биринчи ордени бўлган “Соғлом авлод учун” ордени билан шу кунга қадар жами 850 дан ортиқ юртдошимиз, жумладан, чет эл фуқаролари тақдирлангани ва уларнинг сафи тобора кенгайиб бораётгани чуқур рамзий маънога эга.

Бу чиройли нишон кўксини безаб турган инсонларни кўрганда, менинг наза-

римда, мамлакатимизнинг бош майдони бўлмиш Мустақиллик майдонида ўрнатилган “Бахтиёр она” ҳайкали сиймосида айнан ана шу ордендаги она ва бола тасвири мужассам бўлгандек туюлади.

Мана шу қувончли айёмда “Соғлом авлод учун” ордени соҳибларини ва бугун давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган ватандошларимизни чин қалбдан табриклашни ўзим учун катта шараф, деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган сизлар каби фидойи инсонларга, Жамғарманинг барча ходимлари ва фаолларига, аввало, унинг жойлардаги бўлимларида, маҳалларимизда сидқидилдан хизмат қилаётган жонқуяр опа-сингилларимизга ҳурмат-эҳтиром ва миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим, деб ҳисоблайман.

Шулар қаторида мана шундай эзгу мақсад йўлида Жамғарма билан доимий ва самарали ҳамкорлик қилиб келаётган юртимиздаги ва чет эллардаги ҳомий ташкилотларга, халқаро институтларга самимий ташаккур изҳор этаман.

Қадрли дўстлар!

Барчангизни “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг 20 йиллиги билан яна бир бор табриклаб, сизларга сийҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, олижаноб фаолиятингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

Ислам КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ



2-3



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

# «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ҲУКУМАТГА ҚАРАШЛИ БЎЛМАГАН ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишдаги катта хизматлари учун фахрий унвон берилсин:

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

**Инамова Светлана Турсуновна** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «МЕХНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Нурметова Реймажон Абдуллаевна** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Боғот тумани таянч пункти директори, Хоразм вилояти

**Юлдошев Даврон** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғарма-

сининг Нурота тумани таянч пункти директори, Наманган вилояти

### II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Пашакулова Сакина Аббасовна** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Ангрен шаҳар таянч пункти директори, Тошкент вилояти

**Усманова Юлдузхон Маматкуловна** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Сирдарё вилояти минтақавий филиали директори

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Джамбекова Сияре Сулеймановна** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси тиббий-ижтимоий маркази шифокори

**Нетесова Ирина Евгеньевна** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бош ҳисобчиси

**Раҳмонова Раҳима Рашидовна** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Самарқанд вилояти минтақавий филиали директори

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Артиков Хайрулло Далолович** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Наманган шаҳар таянч пункти

директори, Наманган вилояти

**Бойиров Баҳриддин Ўралович** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Қашқадарё вилояти минтақавий филиали директори

**Ибрагимова Мунаввар Ибрагимовна** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Бухоро вилояти минтақавий филиали тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ҳамшираси

**Тошпўлатова Масуда Джураевна** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Олмазор тумани таянч пункти директори, Тошкент шаҳри

**Тошбоев Абдулло Хурамович** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилояти минтақавий филиали бош ҳисобчиси

**Тургунов Усманжон** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Андижон вилояти минтақавий филиали тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ҳайдовчиси

**Халиков Фирдавс Давранкулович** – «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкилий-услубий бўлими бошлиғи

### Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 23 апрель

## СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

ТОШКЕНТДА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ҲУКУМАТГА ҚАРАШЛИ БЎЛМАГАН ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Унда Ўзбекистон парламенти аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари, мамлакатимиз ва бошқа давлатлар тиббиёт муассасалари мутахассислари, жамғарманинг ҳамкорлари – халқаро ташкилотлар вакиллари, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатлар иштирок этди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган «Соғлом авлод – миллат келажаги» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан 2013 йил 23 апрелда қабул қилинган фармонига мувофиқ бир гуруҳ ходимлар давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, ўз тараққиёти ва аниқ ижтимоий йўналтирилгани билан ажралиб турадиган кенг кўламли ислохотлар йўлини танлади. Мамлакатимизда аҳолининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этади. Шу боис, жисмонан соғлом, маънавий етуқ, ақл-заковати юксак, мустақил фикрлайдиган ва келажакка



ишонч билан қарайдиган баркамол авлодни тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Бу борадаги хайрли ишларда давлат тузилмалари қатори мамлакатимизнинг

кўплаб жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар орасида Президентимиз Ислон Каримовнинг 1993 йил 23 апрелда қабул қилинган фармонига биноан ташкил этилган «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси алоҳида ўрин тутди. Жамғарма хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига санитария-гигиена қоидаларини етказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Жамғарма давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш билан бирга, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашдек муҳим вазифаларга тўлиқ жа-

воб берадиган ўзининг кўплаб лойиҳаларини ҳам ҳаётга татбиқ этмоқда.

Анжуманда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова жамғарма фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.

Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини, жумладан, фаровон, соғлом ҳаёт кечирish ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси мамлакатимиз ратификация қилган дастлабки халқаро ҳужжатлардан биридир. Истиқлол йилларида бу соҳага тааллуқли 14 қонун, шу жумладан, 2008 йил 7 ян-

варда «Бола ҳуқуқларининг қароқўлларни тўғрисида»ги қонун, давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ҳамда қарорлари, юздан ортиқ бошқа меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Соғлом болалар туғилиши ва вояга етиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлик сифатини ошириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни янада яхшилаш, оила институтини мустаҳкамлашга доир самарали чоралар кўрилмоқда. Мамлакатимизда болалар соғлом туғилиб вояга етиши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жадал амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиши учун муҳим ишлар ба-жарилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида жаҳон ҳамжамияти томонидан бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида эътироф этилган оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш миллий модели яратилди. Бугун кўплаб давлатлар Ўзбекистонда яратилган моделини ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасида ўз ислохотлар стратегиясини ишлаб чиқмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон рейтингида болалар саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган ўн давлат қаторидан жой олгани ҳам мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган улкан ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганидан далолатдир.

(Давоми 3-саҳифада)



# СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

(Боши 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комиловнинг таъкидлашича, том маънода умуммиллий ҳаракатга айланган «Соғлом она – соғлом бола» дастурини ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда энг чекка туманлардаги хотин-қизлар ва болаларга ҳам малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Замонавий аппаратура билан жиҳозланган қарийб 3200 қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди. Давлат томонидан кафолатланган бепул шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги тизим ташкил этилиб, самарали фаолият кўрсатилмоқда. Туғуруқхона комплекслари ва болалар тиббиёт муассасаларининг фаолияти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига жавоб берадиган илғор ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш технологияларига асосланган. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан скрининг-марказлар тармоғининг ташкил этилиши ҳисобидан ирсий касалликлар ва ривожланишда туғма нуқсонлари бор болаларнинг туғилиши сезиларли даражада камайди. Перинатал марказлар тармоғида янги тиббий услублар кўмағида энг мураккаб ҳолатларда ҳам болаларнинг соғлом туғилишида ёрдам кўрсатилмоқда. Барча тиббиёт муассасалари халқаро стандартлар асосида тайёрланган юқори малакали кадрлар билан таъминланган. Ҳар йили туғиш ёшидаги аёллар ва болаларни оммавий профилактика кўригидан ўтказиш йўлга қўйилган. Витаминлар ва микроэлементлар етишмаслигини, хусусан, унни тўйинтириш ҳамда тузми йодлаш орқали олдини олиш бўйича дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Икки ёшгача бўлган болаларнинг барчаси эмланмоқда. Ушбу чора-тадбирлар натижасида хотин-қизлар ҳамда болалар ва, умуман, мамлакатимиз аҳолисининг касалланиш даражаси анча камайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февралдаги қарорига асосан «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан ноёб тиббий-ижтимоий патронаж тизими ташкил этилди. Бу вазифани мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида шакллантирилган сайёр бригадалар мутахассислари амалга оширмоқда. Улар оилаларнинг ижтимоий-

иқтисодий шароити, улардаги психологик муҳит ва оила аъзоларининг саломатлигини ўрганмоқда. Бундай патронаж тизими фаолият кўрсатишни бошлагандан буён замонавий ташхис қўйиш ва даволаш услубларидан фойдаланган ҳолда, 3 миллион нафардан ортиқ киши, асосан олис аҳоли пунктларида яшайдиган хотин-қизлар ҳамда болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. Кўмакка муҳтож оилаларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари бир пайтнинг ўзиде оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилган кенг санитария-маърифат ишларини ҳам амалга оширмоқда. Шу мақсадда маҳаллалар, таълим муассасаларида мутахассислар иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

Сўнги икки йилда жамғарма томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни соғломлаштириш ва баркамол тарбиялашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш борасида ўнлаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси иштирокида Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига саккиз марта «Саломатлик» поезде ташкил этилди. Бу поездларнинг шифокорлар бригадалари таркибига мамлакатимиз етакчи клиникаларининг ташхис қўйиш ва даволаш билан шуғулланган турли соҳа мутахассислари киритилган бўлиб, улар аҳолига тиббий маслаҳатлар бермоқда, даволаш ва профилактик ёрдам кўрсатмоқда. Бундан ташқари, жойларда аҳоли, биринчи навбатда, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга хайрия ёрдами кўрсатилмоқда, дори-дармонлар, витаминлар ва гигиена воситалари берилмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон хотин-қизлар ва болаларни бепул скрининг-текширувдан ўтказиш бўйича тизим фаолият кўрсатаётган дунёдаги кам сонли ва МДХдаги ягона мамлакат экани таъкидланди. «Она ва бола скрининги» Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида сўнги икки йилда мамлакатимиз скрининг марказларида қарийб уч миллион неонатал тадқиқот ўтказилди. Хавфли гуруҳга кирадиган чақалоқларда ирсий касалликларнинг олдини олиш мақсадида зарур препаратлар



ва махсус болалар озукалари бепул берилмоқда.

Соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий даволаш-ташхис қўйиш асбоб-ускуналари, инвентарь ва дори-дармонлар билан таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонаси, Нукус шаҳридаги туғуруқхона комплекси, «Чортоқ» болалар санаторийси, бошқа тиббиёт ҳамда соғломлаштириш муассасаларига шундай манзилли ёрдам кўрсатилди. Тошкентда «Соғлом авлод учун» жамғармаси Тиббий-ижтимоий марказининг янги биноси қурилиб, тўлиқ жиҳозланди. Жамғарма мамлакатимиз ҳудудларидаги шифокорларнинг хорижий тиббиёт марказларида малакасини оширишга ҳам кўмаклашмоқда.

Жамғарма хорижий шериклар ёрдамида туғма касалликлар ва ривожланишда нуқсонлари бор болаларни мамлакатимиздаги, Австрия, Германия ва Жанубий Кореядаги энг яхши клиникаларда бепул ва тезкорлик билан даволашни йўлга қўйди.

Хайрия фаолиятига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, ногирон болалар, серфарзанд ва кам таъминланган оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Шубҳасиз, соғлом турмуш тарзини таъминлашда энг яхши восита – бу жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдир. Шунинг учун хотин-қизлар ва болалар, аynиқса, қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш жамғарма фаолиятида муҳим ўрин тутди. Бу борада спортнинг тен-

нис ва стол тенниси, бадий гимнастика, синхрон сузиш, бадминтон, волейбол каби кўплаб турлари бўйича турли мусобақалар ташкил этилмоқда. Баркамол авлодни тарбиялашда болаларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда ҳар йили ёш мусиқачилар, хонандалар, раққос ва рассомларнинг республика ҳамда ҳудудий кўрик-танловлари ўтказилмоқда.

Жамғарма томонидан мамлакатимиз давлат ва жамоат тузилмалари, халқаро шерик-ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу хайрли ишлар, аввало, узоқ мuddатли самарага эришиш – миллат генофондини сақлаш ҳамда яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлиги ва сифатини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва вояга етиши учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилинган 2013 йилда «Соғлом авлод учун» жамғармаси болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг саломатлик сифатини ошириш бўйича ўзининг инсонпарварлик ҳамда хайрия миссиясини бажаришни янада фаоллаштириши таъкидланди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими уч баравар камайганида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Конференцияда хорижий иштирокчилар Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама ривожланган ёш авлодни тарбиялаш борасида қўлланилаётган янги ёндашув улкан натижалар бераётганини, бу дунёнинг бошқа кўплаб давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши ҳамда мамлакатимизда Президентини

миз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат юсак самаралар бераётганидан даълат эканини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққан «Прибори Ой» компаниясининг тижорат директори Мария Кивисто (Финляндия), «Фриенденсдорф интернейшнл» халқаро ташкилоти директори Томас Якобс (Германия), Корея халқаро соғлиқни сақлаш фонди вице-президенти (КОФИ) Пак Пён Рёль (Корея Республикаси), Туркия халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигининг (ТИКА) Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Явуз Жорух, Россия Тиббиёт фанлари академиясининг тиббий-генетика илмий маркази лабораторияси мудирини Екатерина Захарова ва бошқалар шу ҳақида гапирди.

Муҳокама яқунлари бўйича қабул қилинган тавсияларда Ўзбекистонда соғлом болалар туғилиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлар сифатини тубдан яхшилаш, бу борадаги ишларда жамоат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш ҳамда уларнинг салоҳиятидан ҳар томонлама фойдаланиш бўйича тўпланган бой тажрибани ўрганиш ва кенг қўллаш зарурлиги қайд этилди.

«Туркистон» саройида меҳрибонлик уйлари болалар ижодий жамоалари иштирокида «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган байрам концерти бўлиб ўтди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Анна ИВАНОВА,**  
**ЎЗА мухбири.**

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ДАХЛСИЗДИР

**Юртимизда ҳар йили 23 апрель – Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқи куни ҳамда 26 апрель – Халқаро интеллектуал мулк куни кенг нишонланади. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мазкур саналар муносабати билан ташкил этилган матбуот анжуманида мамлакатимизда интеллектуал мулкни муҳофаза этиш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.**

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари С.Насриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган изчил ишлар юсак самаралар бераётганини таъкидлашди.

Ўзбекистон 1991 йилда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлган, 2005 йил 19 апрелда «Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Берн конвенциясини ратификация қилган. 2013 йил март ҳолатига кўра, 185 та давлат Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти аъзоси ҳисобланади.

Президентимизнинг 2011 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига асосан интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилиш, республикамиз ҳудудида қалбаки товарларнинг ноқонуний олиб қилиниши ва айланмишга чек қўйиш чораларини кўришда ваколатли давлат органлари билан Интеллектуал мулк агентлиги ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу эса интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтиришда яхши самара бермоқда. Жумладан, контрафакт

маҳсулотларининг ноқонуний олиб қилиниши ва муомаласига чек қўйиш мақсадида 2012 йил давомида республикамизда жами 35 та, шунингдек, жорий йилнинг 15 мартага қадар 10 та тадбир амалга оширилди.

Матбуот анжумани сўнгида интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик ривожланишининг замонавий тенденциялари, илмий-тадқиқот ишланмалари натижаларини бозорга олиб чиқиш тажрибаси ва истиқболлари, ихтиролар асосида рақобатбардош маҳсулотларни яратишга оид масалалар муҳокама қилинди.

**Озод ОЧИЛОВ,**  
**«Qishloq hayoti» мухбири.**



# БИЛИМ, ҚОБИЛИЯТ ВА ИҚТИДОР НАМОЙИШИ

## ТОШКЕНТДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА КИМЁ ФАНИДАН 47-ХАЛҚАРО МЕНДЕЛЕЕВ ОЛИМПИАДАСИ ОЧИЛДИ

Хар қандай халқ, давлат ва жамият тараққиёти инсон ҳамда унинг манфаатларини ривожлантиришга нечоғли эътибор қаратилаётгани билан чамбарчас боғлиқдир. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Айнан шу боис чуқур билимга эга баркамол авлодни шакллантириш, янгича фикрлайдиган ва давр билан ҳамқадам юрадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш давлатимиз ёшлар сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши мустақамланган. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, қонунлар қабул қилиниши самарасида ёшларнинг ақлий, жисмоний ва маънавий ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Моҳиятига кўра ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилаётгани юксак натижалар бермоқда.

Истиклол йилларида таълим соҳасини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 мингта мактаб қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, ўқув жараёнини сифатли ва услубий янгилашга доир чоралар кўрилди. 1500 дан зиёд касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилиб, замонавий ўқув-лаборатория, компьютерлар ҳамда ишлаб чиқариш ускуналари билан таъминланди. Айни пайтда Ўзбекистонда ҳар йили таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этиш учун давлат сарф-харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Бу мамлакатимизда мазкур соҳага нечоғли катта эътибор берилганидан далолатдир.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий ўқув юрлари-



да жаҳон тажрибаси инobatга олинган ҳолда, давлат таълим стандартлари асосида ўқитилмоқда. Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ўқув базасини мустақамлаш, ўқув-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогика ва ахборот технологияларини жорий этишга доир кенг кўламли ишлар давом эттирилмоқда. Масалан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб, мактабларнинг биринчи синфидан хорижий тилларни узлуксиз ўқитиш тизими жорий этилади.

Президентимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборга жавобан, ёшларимиз турли халқаро мусобақалар ва фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришмоқда. Истиклол йилларида мамлакатимиздан 253 нафар ўқувчи турли фанлар бўйича халқаро олимпиадаларда қатнашиб, 21 олтин, 51 кумуш, 90 бронза медали, шунингдек, юздан ортик дипломга эга бўлди.

Халқаро жамоатчиликни Ўзбекистонда таълим соҳасида тўпланган тажриба ва бу борада амалга оширилаётган ислохотлар натижалари, юқори маълумотли, интеллектуал ривожланган авлодни тайёрлашда давлатнинг роли билан кенг таништириш мақсадида 2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкентда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган

авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзuida халқаро конференция ўтказилди. Унда дунёнинг 48 давлатидан, саккизта халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 300 нафарга яқин эксперт иштирок этди. Улар Ўзбекистон тажрибасини ўрганиб, ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, ўз қарашини, танлови ва қатъий фуқаролик позициясига эга шахсни шакллантиришга қаратилган таълим тизимини ислоҳ қилиш принципларини қўллаб-қувватлади.

Шуниси эътиборлики, жорий йил 24-30 апрель кунлари мамлакатимиз кенг кўламли ва аҳамиятли халқаро интеллектуал мусобақалардан бири – Мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фанидан 47-халқаро Менделеев олимпиадасига яна мезбонлик қилмоқда. Бундай тадбирларни ўтказиш бўйича мавжуд тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатимизда катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. 2008 йилда Ўзбекистонда кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасининг ўтказилгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Иштирокчиларнинг назарий ва тажриба вазибаларини бажариши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган, олимпиада доирасида қизикarli маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

24 апрель куни М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиалида кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадасининг очилиш маросими

бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Озарбойжон, Беларусь, Болгария, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Македония, Молдова, Россия, Руминия, Саудия Арабистони, Тожикистон, Туркманистон, Туркия ва Украинадан 17 жамоа, олимпиада ташкилий кўмитаси, халқаро ҳайъат аъзолари, экспертлар, дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Тадбирда бундай муҳим воқеанинг яна Тошкентда ўтказилаётгани мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи, давлатимиз раҳбарининг келажак авлодга қаратаётган эътибори ҳамда ғамхўрлигидан далолат экани таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Олимпиада уч – иккита назарий ва битта амалий босқичдан иборат. Унда 117 нафар йигит-қиз, яъни кимё фани бўйича миллий олимпиадалар ғолиблари иштирок этмоқда. Ўзбекистон шарафини қилаётган жамоа мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида туман, шаҳар, вилоят ҳамда республика босқичлари саралаш турлари натижалари бўйича шакллантирилди. Олимпиада ғолиблари Москва давлат университети ва бошқа нуфузли олий ўқув юрларига имтиҳонсиз ўқишга кириш имконига эга бўлади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

## «СОЛИҚ БИЛИМЛАРИ – БОЛАЛАРГА!»

Пойтахтимиздаги Солиқ академиясида анъанавий ўтказиб келинаётган шу мазудаги кўрик-танловнинг якуний – республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда куйи босқичларда ғолиб чиққан умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ўқувчилари солиқ саводхонлиги бўйича ўз билим ва иқтидорини яна бир бор намоиш этдилар.

Кўрик танлов 1-4 синф ўқувчилари учун «Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири», 5-9 синф ўқувчилари учун «Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши», академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун

«Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати» йўналишлари бўйича ҳамда «Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади» мавзусидаги энг яхши компьютер тақдироти номинациялари бўйича ўтказилди.

— Солиқ саводхонлиги ва қонунчилигини ўқувчи ёшлар ўртасида тарғиб қилишда бу каби кўрик-танловларнинг ўтказилиши катта аҳамиятга эгадир, – дейди Тошкент солиқ коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйи-

ча ўринбосари Дилбарой Раҳмонова. — Чунки ўқувчиларда ушбу кўрик-танловга тайёрланиш жараёнидаёқ солиқ маданияти шаклланади. Йил сайин иштирокчилар сонининг ортиши эса ёшларимизнинг бу кўрик-танловга қизиқишидан далолатдир.

Кўрик-танлов сўнгида ғолиб ва совриндорлар тақдирланди.

**Зулфия АХМЕДОВА,**  
**«Qishloq hayoti» мухбири.**



# ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ – ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

ПОЙТАХТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР УШБУ МАВЗУГА БАФИШЛАНДИ

**Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш масалалари, бу борадаги миллий ва халқаро тажрибани муҳокама этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат эди.**

Семинар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилди.

Унда Европа Иттифоқи давлатларидан экспертлар, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган элчихоналар ва халқаро ташкилотлар ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, кенг жамоатчиликни Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг амалга оширилиши ҳақида хабардор этиш мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим йўналишлари экани таъкидланди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган сўз эркинлиги ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлайдиган мустақам қонунчилик базаси яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари фуқаролар, омма-

вий ахборот воситалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларини ахборотни эркин, монеликсиз олиш, текшириш ва тарқатиш имконини бермоқда, шунингдек, ахборотдан, жумладан, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги ахборотдан умумий фойдаланиш, унинг очиқлиги ва ишончлилиги принциплари белгилаб берилган.

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 2 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайди. Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 1320 дан ортиқ оммавий ахборот воситасининг 60 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир. Уларнинг 200 дан ортиги электрон шаклга эга бўлиб, ҳар куни мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган воқеалар ҳақидаги долзарб ахборот, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича тахлилий материаллар бериб боради. Бундан ташқари, аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот манбаларидан, жумладан, уларнинг ахборот хизматлари ва веб-сайтлари орқали кенг фойдаланиши таъминланмоқда. Бу фуқароларда давлат ҳокимияти органлари фаолияти, шунингдек, давлат бошқаруви самарадорлиги тўғрисида яхлит ҳамда ҳолис тасавурни шакллантиришга хизмат қилаётир.

Мамлакатимиз экспертлари Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичи, ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг янада очиқ-ошкоралигини таъминлаш, бу вазифани ҳал этишда оммавий ахборот воситала-

рининг ролини оширишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этаётганини таъкидлади.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун алоҳида аҳамиятга эгадир. Қонунда жамоатчиликни давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедуралари аниқ белгилаб берилди. Қонун аҳоли, оммавий ахборот воситалари ва жамоат бирлашмаларининг ушбу органлар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор қарорлари тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татиқ этилиши сиёсий плюрализм, мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар ҳақида фикрлар хилма-хиллиги эътиборга олинган ҳолда, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, амалга оширилаётган ислохотлар, ички ҳамда ташқи давлат сиёсатининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш имконини беради.

Ушбу илмий-амалий семинар жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш бўйича миллий ҳамда хорижий тажрибани, мазкур органларнинг фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, уларнинг оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг янги моделларини муҳокама этиш имконини берди.

– Бундай халқаро илмий-амалий семинарнинг ташкил этилиши фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ёрдам беради, – дейди Бундестаг илмий бўлими раҳбари Рожер Клосс (Германия). – Тадбир биз учун жуда долзарб. Негаки, бизнинг мамлакатимизда ҳам фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг архив ахборо-

ти, ҳужжатларидан фойдаланишини таъминлашга қаратилган янги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Мазкур семинар бизга ахборот соҳасини ислохот этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон тажрибаси билан танишиш имконини берди.

Семинарда демократик жамият қуришнинг муҳим вазифаси сифатида матбуот, сўз ва ахборот эркинлиги, ўз хоши-иродасини эркин ифода этиш ҳамда сайлаш эркинлигини таъминлаш, шунингдек, тегишли халқаро нормаларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш соҳасида қонунчиликни ривожлантириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш бўйича мамлакатимиз тажрибаси кўриб чиқилди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Уни тайёрлашда ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ўрганилган, ахборот ҳуқуқи соҳасида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар тавсиялари инobatга олинган. Ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси, хусусан, хорижий экспертлар иштирокида кенг муҳокама этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган қирқдан ортиқ конференция, семинар ва давра суҳбатлари яқунлари бўйича мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштиришга оид юзга яқин таклиф умумлаштирилди.

– Мазкур қонун гоят муҳимлигини таъкидламоқчиман, – дейди Франция Маданият ва оммавий коммуникациялар вазирлигининг босма матбуот бўйича директори ўринбосари Сильви Клеман-Кузен. – Бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, очиқ-ошкоралигини таъминлаш имконини беради. Мазкур тадбирда иштирок этиш, янги қонун лойиҳаси билан танишиш мен учун жуда фойдали бўлди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қоидаларини такомиллаштириш, муҳим социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш бўйича давлат органлари фаолияти ҳақида аҳолини хабар-

дор қилиш, мамлакатимизни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилишга доир вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш мақсадида Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан мазкур қонун лойиҳасининг нормаларини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба ишларини амалга оширишга қаратилган фармойиш қабул қилинган.

Ҳуқуқий тажрибанинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, у Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг реал фаолиятида синовдан ўтказилади. Давлат тузилмаларидан ташқари оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, уларнинг фаолияти ҳақида ахборот олишдан манфаатдор юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳам мазкур тажрибада иштирок этади.

Приморск-Люблян университети профессори Сандра Басик Хрватининг (Словения) айтишича, Ўзбекистонда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормаларини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажрибани ўтказиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг замонавий услубларидан бири бўлиб, мамлакатда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш жараёнлари тобора такомиллашиб бораётганидан далолат беради. Шу сабабли бундай тажрибанинг икки вилоятда ўтказилаётгани жуда муҳимдир. Бу ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаси бўйича асосли тавсиялар олиш, сўнгра уни ҳаётга муваффақиятли жорий этиш имконини беради.

Халқаро илмий-амалий семинар яқунлари бўйича фуқаролар ва оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан кенг фойдаланишини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик субъектлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, шунингдек, ахборот соҳасини ислохот қилишнинг ҳуқуқий асосларини амалга оширишга доир таклифлар ишлаб чиқилди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**  
**ЎЗА мухбири.**



Ангижон Вилояти

## КОЛЛЕЖ ҚОШИДА КОРХОНА

УЛУҒНОР ТУМАНИДАГИ МИНГБУЛОҚ АГРОСАНОАТ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ҚОШИДА «МИНГБУЛОҚ ЁШЛАРИ УМИДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УНИТАР КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА.

Коллеж ёшларининг дарсдан бўш вақтини самарали ўтказишга хизмат қилаётган корхонада буюртма асосида ўқувчилар, аёллар либослари ва куракчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Корхонада 10 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланган.

Сабоҳон Абдуллаева раҳбарлик қилаётган корхонада коллеж ўқувчиларига «устоз-шоғирд» аънаси асосида чеварлик ўргатилмоқда.

**Хурсандбек АРАББОЕВ**  
**(ЎЗА) олган сурат.**



Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кузатилаётгани сингари Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти мавзусига тез-тез мурожаат қилмоқда. Яқинда «Sarkaritel» ахборот-таҳлил порталида юртимизда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Обод турмуш йили» Давлат дастури мавзусига бағишланган «Халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган дастур» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

## «SARKARITEL» «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ҲАҚИДА

Унда аҳоли фаровонлиги ва даромадларини муттасил юксалтириб бориш, ёшларни иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни янада ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига давлат томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг муҳим йўналишлари эканлиги алоҳида қайд этилади.

«Sarkaritel» республикамизда меҳнат бозорини тажрибали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида касб-хунар коллежлари ва иқтисодиёт субъектлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли ишларни юқори баҳолайди. Мақолада қайд этилганидек, «Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2012 йили коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланиб, уларнинг аксарияти ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашдилар. Шунингдек, ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларда мунтазам ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳам аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётир».

«Иш ўринларини ташкил қилишда, биринчи навбатда, турли тармоқларни қамраб олган дастурларни амалга ошириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, транспорт ва коммуникация қурилишини, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ободонлаштириш ишларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда», деб ёзади «Sarkaritel».

Мақолада қайд этилишича, қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш, узумчилик, чорвачилик ва ипачилик сингари тармоқларни ривожлантириш ҳам аҳоли бандлигининг таъминланиши ҳамда даромадларининг юксалишига хизмат қилаётир. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида, Муаллиф маълум қилганидек, «қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида янгидан-янги корхоналарни барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган».

«Ушбу Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар Ўзбекистон халқининг турмуш шароитини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осойишта ҳаёт кечиршини таъминлашдек улғу мақсад йўлидаги яна бир муҳим қадамдир», — дея таъкидлайди «Sarkaritel».

«Жаҳон» АА

Сурхонгарё Вилояти

## РЎЗҒОРИ ОБОД ОДАМЛАР

Денов тумани Шеробод маҳалласида яшовчи Норхўжа Қобиловга кўпчилик ҳавас қилади. У бундан уч-тўрт йил олдин 6 сотих ерда иссиқхона барпо этиб, йил-ўн икки ой бодринг, помидор, турфа хил кўкатлар етиштириб келмоқда. Унинг уйига қаҳратон қишда борсангиз ҳам дастурхонга сархил бодрингу помидор кўяди. Дарвоқе, Норхўжа аканинг ҳосилга кирган мевали дарахтлари ҳам рўзғорга қўшимча даромад бўляпти. Ана шу даромадлар эвазига уй-жойини обод этган тадбиркор энди автомашина сотиб олмоқчи.

Тумандаги Намозгоҳ маҳалласида истиқомат қилувчи Азамат Турсунов томорқадан самарали фойдаланиш борасида катта тажрибага эга. У ўтган йили катта даромад олди. Айти пайтда у бу билан қаноатланмай, бир гектар ерни ижарага олиб, пиёз етиштирмоқда. Қўрасида 15 бош кўй-кўзиси, оғилида эса 6 бош қорамоли бор.

Унинг қўшниси Ибодулла Шомуродов эса бир неча йилдан буён асаларичилик билан шуғулланади. Ҳозирда у 30 оила асаларини парвариш қилиб, рўзғорини бекаму кўст тебратмоқда.

Кумкўрғон туманидаги Янги авлод маҳалласида яшовчи Алихон Қораев эса кўлидан кетмон тушмайдиған деҳқонлардан бири. У ҳозир 11 сотих майдондаги иссиқхонада лимон парвариш қилмоқда. Ҳосилининг мўлтигидан лимон кўчатлари бамисоли мажнун-толдай ерга эгилганки, кўриб ҳайратингиз ошади. Миришкор ўтган йили 3,7 тонна ҳосил олиб, 17 миллион сўм даромад қилгани сўзимизнинг тасдиғидир. Шунингдек, 6 сотих майдонда саримсоқпиёз етиштириб, ундан яхшигина фойда олди. Шу билан бирга, у чор-

вачилик ва паррандачилик билан шуғулланади. Бундан ҳар йили ўрта ҳисобда 23-25 миллион сўм фойда олади.

Маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Абдуғафоров ҳам бу борада барчага ўрнак бўляпти. Хусусан, у ўтган йили қарам экиб, 12 миллион сўм даромад олди. Айти пайтда Бахтиёр ака фарзандлари билан томорқасининг 8 сотихида лимон, 10 сотихида саримсоқпиёз етиштирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу маҳаллада ўтган йилда 1890 хонадоннинг 350 тасида ихчам иссиқхона мавжуд бўлган бўлса, айти пайтда ушбу кўрсаткич 485 тага етди.

Ишлаганининг юзи ёруғ, рўзғори ва дастурхонига кўт-барак аинади, деб бежизга айтилмаган. Воҳа аҳолиси шахсий ёрдамчи хўжаликларидан самарали фойдаланаётгани уларнинг рўзғорига барака киритмоқда.

Чори ЖУМАҚУЛОВ,  
«Qishloq hayoti» муҳбири.



### МЎЛ ҲОСИЛ НИШОНАСИ

Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Чандир маҳалласида истиқомат қилаётган Пано Ўроқовлар оиласи 16 сотихли томорқанинг ҳар қаричидан унумли фойдаланмоқда. Парваришланаётган мевали дарахтлар оралиғига турли хил сабзавотлар экилган. Шунингдек, 6 сотихли замонавий иссиқхонада помидор етиштирилмоқда. Айти кунларда помидор кўчатлари берган мўл ҳосил пиша бошлади.

СУРАТДА: оила бекаси Мухлиса Ўроқова.  
Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

Тошкент Вилояти

## ▼ МАҲАЛЛА – ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

# ИМКОНИЯТЛАР ОРТИДАН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Равшан ака одатдагидек барвақт уйдан чиқиб, кўчалар четига ўтқазилган гул кўчатларини кўздан кечириб борар экан, ортидан:

— Ассалому алайкум, оқсоқол, — деган овоз эшитилди.

Оқсоқолга салом берган маҳалла фаолларидан бири Тўхтамурод Шомирзаев эди. Ҳол-аҳвол сўрашган, Тўхтамурод ака аста гап бошлади:

— Оқсоқол, кечадан бери бир ўй-хаёл билан юрибман. Лекин уни рўёбга чиқариш бироз мушкулми, дейман-да.  
— Қани, айтаверинг-чи, — деди Равшан ака маҳалладошининг ўй-хаёлини уққандек.

Тўхтамурод ака дадилланди:  
— Маҳалламиз ҳудудида яна бир боғ яратсак, намаз дейсиз.

Оқсоқол маҳалла фуқароларининг ана шундай ташаббускорлигидан хурсанд бўлиб кетади ва ҳар бир ташаббусини имкон қадар қўллаб-қувватлайди.

Равшан Тошев Тошкент вилояти Паркент туманидаги Хўжа маҳалла фуқаролар йиғини раиси. Ушбу маҳаллада 300 дан ортиқ хонадонда қарийб беш юз оила аҳил ҳаёт кечирмоқда.

Йиғин мутасаддилари ва маҳалла фаоллари мамлакатимизда турли со-

ҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли, айниқса, вояга етаетган ёшлар онгига сингдириш мақсадида бир қатор тадбирларни ўтказиб келмоқда. Оилавий тадбиркорлик, томорқачилик, касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган амалий тадбирлар, кўрик-танлов ва мусобақалар шулар жумласидандир.

— Тинчлик-осойишталик — буюк неъмат, — дейди маҳалла фаоли Арслон ота Азимов. — Унинг қадрига етиш учун оғир кунларни бошдан ўтказиш шарт эмас. Биз невараларимизга буни ҳаётий мисоллар асосида мунтазам равишда тушунтириб борамиз. Шу билан бирга, кўп асрлик маънавий меросимизни асраб-авайлаган ҳолда бунёдкорлик фаолиятини давом эттиришимиз зарурлигини доимо уларнинг ёдига солиб тураемиз. Токи улар овоз ва обод Ватанимизнинг янада равнақ топишига имкон қадар кўпроқ ҳисса қўшаверсин.

Маҳалла оқсоқолининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Олмосхон опа Камолитдинованинг айтишича, маҳаллада ёшлар билан ишлаш бўйича ўзига хос тажриба тўпланган. У соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, янги турмуш қурган оилаларнинг мустақамлигини таъминлаш, йигит-қизларни касб-хунарга йўналтириш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида ижобий самара бермоқда. Жумладан, ўтган йилда маҳалла ҳудудида яшовчи, касб-хунар коллежларини битирган 46 нафар йигит-қизнинг 5 нафари олий ўқув юртурларига қабул қилинган бўлса, қолгани бевосита маҳалла фуқаролар йиғини саъй-ҳаракати билан ишга жойлаштирилди.

Хўжа маҳалласида яшовчиларнинг аксарияти асосий касбидан ташқари, хунармандчилик ва томорқачилик билан шуғулланади. Масалан, Насиба опа Бегматова 18 сотихли ҳовлисида хурмо, анор, анжир, нок ва гилос етиштиради. Насиба опа бу сархил нозу неъматларнинг бир қисмини қариндошлари ва кўни-кўшнларига улашади, қолганини эса бозорга чиқариб сотади. Ўз ҳовлисида Хитой технологияси асосида мини-иссиқхона ташкил этган Шерзод Минаваров эса лимон ва кўкатлар етиштириб, кичик томорқа-

дан катта даромад олмоқда.

Маҳалла аҳли ҳукуматимиз томонидан оилавий тадбиркорлик субъектлари учун кенг имкониятлар яратилаётганидан беҳад мамнун. Элёр Маҳаматов ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиб келаётган фуқаролардан бири. У бир неча йилдан буён паррандачилик билан шуғулланади. Э.Маҳаматов 2009 йилда «Микрокредит-банк»нинг туман филиалидан 3 миллион сўмлик кредит олган эди. Орадан икки йил ўтгач, даромадини кўпайтирган Элёр ака банкдан олган кредит маблағини муддатидан олдин қайтаришга муваффақ бўлди. У паррандачиликни ривожлантириш учун ўтган йили «Микрокредитбанк»дан яна 3 миллион сўм кредит олди. Э. Маҳаматов ва у каби тадбиркорлар маҳалласидаги кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга доимо ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келади.

Кўпни кўрган қарияларимиз бирон кишига баҳо бераётганида, аввало, унинг маҳалла-кўй олдидаги хизматларини тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки кишиларнинг маҳалла ҳаётидаги фаоллиги, бинобарин, жамият қорига яраши уларни юрт тинчилиги, халқ фаровонлиги ва Ватан тараққиёти йўлида сафарбар қилади.

Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ



Қашқарё Вилояти

# ФАОЛ, ФИДОЙИ ФЕРМЕР АЁЛ

## ЭЛУ ЮРТ ХИЗМАТИГА ДОИМО ШАЙЛИГИ БИЛАН КИТОБ ТУМАНИДАГИ «ЭЛДОРБЕК, АБРОРЖОН ЛУҚМОНОВИЧ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ НАСИБА НУРОВА ЭЛДА ОБРЎ-ЭЪТИБОР ТОПМОҚДА

Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг самарасида аёлларнинг жамиятдаги фаоллиги ошиб, катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Энг муҳими, уларнинг аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодий эътибор қаратилади.



этибор сабаб бўлган. Президентимизнинг 2006 йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони уни руҳлантириб, фермер бўлишга ундаган.

– Ҳеч иккиланмасдан фермер хўжалиги ташкил этдик, – дейди Насиба Нурова. – Дастлаб 3,7 гектар ерда узумнинг "тойфи" навини етиштириб, яхши натижаларни қўлга киритдик. Сўнг эса фермер хўжалигимизнинг умумий ер майдони 25 гектарга етди. 2010 йилдан бошлаб картошка етиштириш борасида кенг қўламли ишларга киришилди. Голландиядан ширин, тезпишар уруғлик келтириш учун "Агровер" компанияси билан шартнома имзоладик. Бунинг учун "Микрокредитбанк"нинг туман бўлимидан 18 миллион сўм кредит олдик. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Ялпи даромад 53 миллион сўм, фойда эса 29 миллион сўмни ташкил этди. Банк қарзини қопладик. 2012 йилда 15 гектар майдонда узумнинг "тойфи" навидан кўзда тутилган 90 центнер ўрнига 125 центнердан ҳосил олинди.

Энди ушбу ҳужжатнинг қанчалик ҳаётбахш бўлганини бир мисолда кўрсатиб ўтсам. Унга

асосан, паст рентабелли ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилди. Етиштирувчи билан қайта ишловчи ўртасида мустақкам, тенг манфаатли ҳамкорлик ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, ишга муносабат, пировардида ҳосилдорлик ошиши, рентабеллик ўсишида муҳим омил бўлди. Оддийгина мисол, илгари тоқзорларнинг ҳар гектаридан 3-4 тонна атрофида ҳосил олинган бўлса, ҳозирда бу рақам 8-9 тоннани ташкил этмоқда. Фаолиятимизга қаратиладиган эътибор эса ушбу кўрсаткични янада ошириш имконини беради.

Айни пайтда ушбу фермер хўжалигида 24 нафар доимий, 80 нафар мавсумий ишчилар фаолият кўрсатишади. Хўжалик кўп тармоқли. Бу ерда сабзавотчилик, боғдорчилик, картошка, пиллачилик тармоқлари ривожланмоқда. Фермер хўжалиги жамоасининг Обод турмуш йилидаги режалари янада юксак.

– Бу йил ер майдонимиз 80 гектарга етди, – дейди фермер. – 30 гектар майдондаги галла парвариши кўнгилдагидек. 15 гектар майдонда такрорий экин сифатида картошка етиштирилади. 5 гектар майдонда сабзавот экинлари парваришланади. 0,5 гектарлик интенсив боғимиз, тутзорлар парваришига ҳам алоҳида эъти-

бор қаратяпмиз. Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида кўп тармоқлиликни тараққий эттириш борасида кўрсатмалар берилган. Унга асосан фермер хўжалигимизда ҳам бир қатор ишларни олиб боришни мақсад қилганмиз. Жумладан, қишлоққа қайта ишлаш саноатини олиб кириш учун республика Савдо-саноат палатаси билан яқин ҳамкорлик ўрнатдик. Хориждан картошкани қайта ишлайдиган миницеҳ келтириб ўрнатмоқчимиз. Бу билан ўнга яқин иш ўрни яратилади.

– Мен озод ва обод Ўзбекистондаги бахтли аёллардан бириман, – дейди Насиба Нурова. – Турмуш ўртоғим Луқмон ака билан олти нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказяпмиз. Тўнғич фарзандимиз Машхура олий маълумотли шифокор. Икки нафар набирамиз бор. Ўғлим Элдорбек Тошкент давлат педиатрия институтининг 4-босқич талабаси. Маъмура ҳам педиатрия институтининг 2-босқичида таҳсил олади. Мунира қизимиз Китоб педагогика касб-хунар коллежини тамомлаб, 35-умумтаълим мактабида ишляпти. Абдорбек академик ли-

цейни тамомлаган, ҳозирги кунда олий даргоҳда ўқиш ниятида. Кенжа фарзандимиз Бибисора мактаб ўқувчиси. Аҳил оилада ободлик, фаровонлик бўлади. Турмуш ўртоғим билан бамаслаҳат иш юритамиз. Энг асосийси, аёл сифатида ўз ўрнимни оила саранжом-саришталиги, фарзандлар юриштириши, кийиниши, одоб-ахлоққа эканлигини ҳеч қачон унутмайман. Ахир ободлик оиладан бошланади.

– Туманимиздаги фермер хўжаликларида 5565 гектар майдонда тоқзорлар парвариш қилинмоқда, – дейди Китоб тумани ҳокими Узоқ Худойкулов. – Шу билан бирга, улар дон, мева, сабзавот етиштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, тумандаги "Қайнар кишмиш", "Тошой Каромат Рустамова", "Каримов Аслиддин", "Мунис Нилуфар", "Собир Қурбон Жўра" фермер хўжаликлари олиб бораётган ишлар эътиборга молик. Улар орасида "Элдорбек, Абдоржон Луқмонович" фермер хўжалигининг алоҳида ўрни бор. Чунки фермер Насибахон Нурова доимо янгиликка интиладиган, бугуннинггина эмас, балки эртанинг ташвиши билан яшайдиган қишлоқ мулкдорларидан. Фермер туманда узум, мева, сабзавот, пилла, дон етиштиришда ўзига хос мактаб яратди. Уни далада, шу билан бирга, касб-хунар коллежи ўқувчилари ҳузурда, хорижлик ҳамкорлар билан энг сўнгги, замонавий технологияни қишлоққа киритиш учун олиб бораётган мунозаралари устида учратасиз. У тумандаги Панжи коммунал хизмат қўрсатиш касб-хунар коллежига 18 та замонавий тикув машинасини олиб берди. Ёшларнинг ўз билимларини амалиётда мустақамлашига муносиб улушини қўшди. Ана шу хислатлари Насиба Нуровани эл-юртга танитди. "Йил аёли — 2012" танловининг туман босқичида, сўнг вилоят, республика даражасида голиб бўлиши бу – фермер аёлларимиз гайратшижоатга тўла эканлигидан далолатдир.

**Хусан ТЕМИРОВ**  
"Qishloq hayoti" мухбири.

### «TURKISTAN REALTOR GROUP» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДАГИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш кўмитасининг 2013 йил 15 апрель кунги 53/п-сонли аукцион савдосига қайта чиқариш ҳақидаги буйруғи ва Қонлиқўл тумани ҳокимининг 2013 йил 14 январь кунги 14/1-16/1-сонли қарорларига асосан Қонлиқўл туманидан 1 (бир) дона ер участкаси аукцион савдосига қўйилади:

— Пахтаобод кўчасидан майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган № 1 ер участкаси. Бошланғич баҳоси 60 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 3 июнь кун соат 12:00 да Қонлиқўл тумани ҳокимияти мажлислар залида ўтказилади. Мазкур ер участкаси юқоридан белги-

ланган савдо кунда сотилмаган тақдирдан, навбатдаги 2013 йил 3 июль кунги ўтказиладиган савдога қўйилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9:00 дан 18:00 гача Қонлиқўл тумани ҳокимияти биносида қабул қилинади. Талабгорлардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш Аукцион савдоси ўтказилиш вақтидан 1 кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Талабгорлар закат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг ер участкаси бошланғич баҳосининг 100 фоиз миқдорига "Turkistan realtor group" МЧЖ, ОАЖ "Асака банк" Қорақалпоғистон филиали х/р: 20208000904946163001, МФО: 00625, ИНН: 302148414, закат пули тўлашлари шарт. Ишонч телефони: (8-361) 222-00-80.

### Эълонлар

ООО "AVESTA BIZNES" (ИНН 205733036), зарегистрированное ИПСР Сергелийского р-на, расположенное по адресу: ул. Сугдийна-1, почтовый адрес: Сергели-7, школа № 317, сообщает об утере свидетельства о гос. регистрации "GUVOHNOMA" (реестр № 000573-06), считать недействительной. Тел.: 370-91-10.

Утерянную гувохному № 08-02456 (реестр № 0803699, 19.09.2007 г.) и круглую печать, выданную отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента на имя Машраповой Фатима Убайдуллаевны, считать недействительным.

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент Алмазарский (быв. С.Рахимовский) р-н Тансиқбоев-1 д. 7 кв-ра 16, выданный службой кадастра Алмазарского р-на г. Ташкента на имя Шакирова Тулкуна Турабовича, считать недействительным.

Утерянный кадастровый документ за № 3114915037, на нежилое помещение по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. У.Носирова д. 83 кв-ра 46, выданный службой кадастра Яккасарайского р-на г. Ташкента на имя Мирахмедова Миролима Мирадиловича, считать недействительным.

ООО "FORVARD AVTO SERVIS" (ИНН 301342602) зарегистрированное ИПСР Учтепинского р-на (12.10.2009 г., реестр № 003177-01), сообщает об уменьшении уставного фонда с 39 094 894 сум до 5 000 000 сум. Адрес: г. Ташкент Учтепинский р-н кв-л 26 ул. Лутфий около школы № 107.

Тошкент вил. Юқори Чирчиқ т.да рўйхатга олинган (реестр № 3812, 22.03.2013 й.) "ZAFAR MEVAZOR BOG'I" ФХнинг (ИНН 302548684) номи "TABARRUK ZAMIN MEVALARI" ФХга ўзгартирилади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎида (05.05.2010 й., реестр № 0108367) рўйхатдан ўтган яқка тартибдаги тадбиркор Эрматов Хидоят Абдуллаевнага (ИНН 485617877) тегишли (Патент) гувохнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный бланк 003726 сведений об участниках приватизации, зарегистрированный за № 3579 от 04.02.2013 на квартиру по адресу: Кора-Камыш-2/4, д. 2 кв-ра 49, выданный на имя Даврановой Шохидахон Шарабидиновны, считать недействительным.

ООО "RENAISSANCE AGRO" (ИНН 302148106), зарегистрированное ИПСР при Хокимияте Яккасарайского р-на г. Ташкента (№ 006358-11 от 20.09.2012 г.) уведомляет (на основании Протокола общего собрания участников № 3 от 22.04.2013 г.) об уменьшении уставного капитала с 1 050 000 000,00 сум и установить в размере 516 000 000,00 сум.

"ISLOMBEK UNIVERSAL" МЧЖ ихтиёрий равишда тугатилади. Даъволар 301-20-99 телефони орқали қабул қилинади.

Утерянную справку на оформление наследства выданную 06.08.2011 г. кадастровой службой Шайхантахурского р-на на дом, расположенной по адресу: г. Ташкент Шайхантахурского р-н ул. Ж.Иноятов д. 7 на имя Бабешко Наталии Алексеевны, считать недействительной.



Хоразм Вилояти

МЕДИАТУР

# Ерга эътибор – келажакка эътибор

**Манба. Ушбу сўзнинг маъносини ҳаммамиз яхши биламиз. Бирон нарса ҳосил бўлиш учун асос бўладиган омил. Дейлик, китоб билим манбаи, томорқа даромад. Хўш, ҳаёт манбаи-чи? Бунга ҳам барчамиз бирдек жавоб берамиз: ер ва сув. Жавоб берамиз-у, унинг қадрига ҳаммамиз ҳам бирдек етавермаймиз. Бўлмаса, ҳар йили 22 апрелни Халқаро ерни муҳофаза қилиш куни сифатида нишонлармидик?!**

Шу сана муносабати билан дунёнинг барча мамлакатларида турли тадбирлар ва акциялар ўтказилиб, инсоният эътиборини ер муаммоларига қаратишга ҳаракат қилинади. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистондаги Глобал экологик жамғарманинг Кичик грантлар дастури ҳамда “Экосан” экология ва саломатлик халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида Хоразм вилоятига ташкил этилган медиатур ҳам шу сана муносабати билан ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга бағишланди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирликлар, сиёсий партиялар, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирнинг айнан ушбу воҳада ўтказилишининг боиси Хоразм вилоятида ер шароитининг ҳолати оғир, тупроқнинг шўрланиши юқори. Воҳадаги ерларнинг 54 фоизи кучсиз, 33 фоизи ўртача, 13 фоизи эса кучли шўрлангани ҳам буни исботлаб турибди. Бундай шароитда экинлардан мўл ҳосил олишнинг асосий омиллари – тупроқ унумдорлигини ошириш, ернинг мелиоратив ҳолати ва ирригация тизимини яхшилаш ҳисобланади.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ана шу жараёнда муҳим дастуриламал вазифасини ўтади. Фармон асосида қабул қилинган махсус дастур доирасида сўнгги беш йилда Хоразм вилоятига давлат бюджетидан 80 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди. Унинг ҳисобидан 220 километрлик коллектор-дренаж тармоқларида қурилиш ва реконструкция, 6,5 минг километрлик тармоқда эса таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида вилоят бўйича 170 минг гектардан зиёд суғориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Қолаверса, қатор ташкилотлар ҳам бу жараёнда ўзининг муносиб улушини қўшмоқда. Жумладан, Ўзбекистондаги Глобал экологик жамғарманинг Кичик грантлар дастури, БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамда Урганч давлат университети ҳамкорлигида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгагининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида илмий муассасалар, тажрибали агроном ва мутахассислар олдида илғор ҳамда синалган агротехник тажрибаларни кенг ёйиш, Хоразм шароити ва иқлимга, шу тупроққа мос келадиган сифатли уруғ ва

янги навларни етиштириш, уларни амалиётга жорий этиш вазифасини қўйганди, – дейди Урганч давлат университети ректори Рўзимбой Эшчанов. – Ана шундан келиб чиққан ҳолда илмий даргоҳимиз, Маъмур академияси ва Хоразм агромаслаҳат маркази олимлари, мутахассислари ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширмоқда. Бу жараёнда олдинги тажрибалар билан бир қаторда янги технологияларни ўрганиш, тажрибалар ўтказиш, уларнинг мақбулларини амалиётда қўллаш ишлари олиб борилмоқда. Вилоятимизда сувдан самарали фойдаланиш зарурати мавжуд. Шунингдек, тупроғимиз шўрланишга мойил. Бу эса шу жаҳадаги ишларга эътибор қаратиш, хусусан, ресурстежамкор технологиялар, тупроқ ва иқлим шароитига мос навлар устида изланишлар олиб



— 80 гектар майдонда лазерли текислаш ўтказдик. Бу ер мелиоратив ҳолати яхшиланишига, сув тежалишига, натижада ҳосилдорлик ошишига омил бўлди. Сувчиларимизнинг иши ҳам анчайин энгиллашди, – дейди фермер Каримбой Собиров.

бориш лозимлигини тақозо этади. Бу жараёнда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш юритяпмиз.

Медиатур иштирокчилари танишган лойиҳалардан бири – ерларни лазер нурлари ёрдамида текислаш лойиҳаси бўлди.

Ушбу технология дала-ларнинг 1-2 см.дан ошмаган ер юзасини лазер нурлари ёрдамида махсус ускуналар билан текислашни амалга оширади, – дейди КРААС–Хоразм агромаслаҳат маркази ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ойбек Эгамбердиев. – Бу каби технологиялардан фойдаланиш, энг аввало, сувни одатдагига нисбатан 20-25 фоиз тежаш имконини беради. Текис далада намлик ҳам бир хил бўлади. Демакки, уруғ унвчанлиги, яъни ернинг табиий намига унвчанлиги ҳам бир хил бўлади. Сувдан самарали фойдаланиш 30-40 фоизга ортади. Энг муҳими, ҳосилдорлик ошади. Айни пайтгача вилоятдаги иккита кўрғазма даласида лазер нивилерида текислаш техноло-



Лазерли текислаш технологияси сувни одатдагига нисбатан 20-25 фоиз тежаш имконини беради...

гияси жорий этилиб, сувнинг 20-30 фоизга тежалиши, ерларнинг мелиоратив ҳолати бирмунча яхшиланишига, натижада ҳосилдорлик 5-7 фоизгача ошишига эришилди.

Инновация – тараққиёт бел-

дик. Еримиз текис, сув тежамкор. Сувчиларимизнинг иши ҳам анчайин энгиллашди. Қолаверса, бу усул бир-икки суғориш тадбирини қисқартира экан. Ерни текислашнинг Хоразмда аҳамияти катта. Сизот сувлар сатҳи яқин, ерга сув кўп тушса, уларнинг сатҳи янада ошади. Бу эса ернинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир этади. Шу боис, лазер ёрдамида ерни текислаш ҳар томонлама қулайлик яратади.

Ҳаётимизнинг ҳар жаҳасида сувнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Ободлик, тозалик, бунёдкорлик ва пироварди иқтисодиёт барқарорлигида обихаётнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Унга шундай таъриф берамиз – бебаҳо неъмат. Шукрона айтишимиз керакки, юртимизда обихаёт танқислиги унчалик сезилмайди. Аммо унга туганмас манба деб қарамаслик, беҳудага исроф этмаслик, энг муҳими, ифлос қилмаслик даркор. Табиийки, сув захираларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланилади. Шу боис, сувдан оқилона фойдаланиш зарурати юзага келаёттир. Вилоятда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам ана шу мақсаддан келиб чиққанлиги билан аҳамиятлидир.

Янгиариқ туманидаги Наврўзёб каналида олиб борилган сув ресурсларидан самарали фойдаланиш лойиҳаси тежамкор технологияга асосланган. Яъни сув йўлларида филтрланишни қисқартиш орқали сув исрофининг олди олинади. Бунинг учун сув туби ва чеккалари полиэтилен плёнка ёрдамида изоляция қилинади.

Ушбу усул юртимизда олдин қўлланилган, аммо ҳозир-

да амалиётдан четда қолиб кетмоқда, – дейди Ойбек Эгамбердиев. – Ушбу технологиянинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида Наврўзёб каналининг 1,5 километр қисми 40 сантиметр тозаланиб, полиэтилен плёнка ёзилди ва тупроқ билан кўмилди. Каналнинг тажриба амалга оширилаётган қисми доимий кузатиб борилди. Сув каналининг бош қисми қандай микдорда бўлса, охирида ҳам шундай кўрсаткични намоён этмоқда. Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, бу усулнинг фойдали жиҳатлари кўзга ташланмоқда. Бизнинг тажрибамиз сувни тежаш ёрдам берса, обихаётнинг нақадар бебаҳо эканлигини кўрсата билса, шундан хурсандмиз.

Медиатур иштирокчилари амалиётдаги биогаз, пассив қуёш иссиқхоналари ҳамда фитомелиорация тажрибалари билан танишдилар. Ҳар бир лойиҳа уларда катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу ишлар билан танишар эканмиз, илм-фанни амалиёт билан уйғунлаштириш нақадар муҳимлигини англадик, – дейди Хоразм вилояти Фермерлар кенгаши раиси, Шовот туманидаги “Сайдулла бобо” фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Тожиёв. – Фермерлар кенгашининг вазифаларидан бири соҳага ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш мақсадида самарали технологияларни татбиқ этишдан иборатдир. Ана шу вазифани бажаришда олимларнинг асосли фикрларига, ҳамкасбларимизнинг илғор тажрибаларига суянамиз.

...Азим чинорлар бир кун келиб қурийдилар. Кўк тоқига бош қўйган тоғларни вақт сели емиради. Фақатгина ер-тупроқ ўзини қайта тиклайди. Меҳр берилса, эътибору парварош бўлса, ҳосил бераверади. Шундан бўлса керакки, ерга таъриф берганимизда она сўзини ишлатамиз. Онани ҳурмат қилиш фарзанднинг бурчи бўлгани каби ризқу насибамиз манбаига ҳурмат кўрсатиш, уни эъзозлаш, меҳр бериш ҳар бир инсоннинг бурчидир. Медиатур давомида олинган хулоса ҳам шундай бўлди.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**  
“Qishloq hayoti” муҳбири.



Фитомелиорация тупроқни табиий, яъни шўрға чидамли ўсимликлар билан даволашдир.



# БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ҚОҶОҚ,

## РЎЗГОРБОП ЭКИН

Кўшнимиз Маърифат опанинг ховлисига кирсангиз, ободликдан дилингиз яшнайдди. Каттагина ховлидаги томорқанинг бир томонида анвойи гуллар, бир томонида рўзгорга зарур сабзавотлар экилган. Ишқомда ток новдалари, улар орасидаги томошақовоқларни росмана томоша қиласиз. Бир куни қизиқиб опадан сўрадим:

– Опа, бу қовоқларни қандай кўпайтирасиз?

– Бу экин ортиқча эътибор, парвариш талаб қилмайди, – дейди опа. – Жой бўлса, сув бўлса, ўсаверади. Шунинг учун бўш жойларга кўпинча қовоқ экамиз. Ана, қаранг, ховли этагида ҳам қовоқлар ўсиб ётибди. Эртаиндин ҳосилга кирса, рўзгорга ярайди. Уйдагилар қовоқли таомларни хуш кўришади. Мазали, ҳазм бўлиши ҳам осон. Шунинг учун фарзанд-

февраль ойида кичик иссиқхонада кўчатлар тайёрланиб, баҳорнинг илик кунлари келиши билан улар далага чиқарилади. Шунда қовоқ ёзнинг дастлабки ойларида пишиб етилади.

## РЎЗГОРБОП ИДИШЛАР, ҲАТТО, МУСИҚА АСБОБЛАРИ

Хонадонларда сувқовоқ, носқовоқ, томошақовоқ каби қовоқ турлари етиштирилади. Улардан таом тайёрлашдан ташқари, турли рўзгорбоп идишлар, ҳатто, мусиқа асбоблари ҳам тайёрланган экан. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманида яшовчи Азатбой Отарбоев турли мусиқа асбоблари ясайди. У қадимги мусиқа асбобларини қайта тикламоқда.

– Яқинда аждодларимиз гижжак ясашда қовоқдан фойдаланишганини билиб қолдим,



Қовоқнинг ҳам турлари кўп.

қатларни осон ҳазм қилишга ёрдам берувчи "Т" витамини ҳам айнан қовоқдан мавжуд. Болажонларнинг яхши ўсиши ва тишлари мустаҳкам бўлиши учун қовоқ едириш мақсадга мувофиқ. Чунки қовоқда рахит касаллигининг олдини оловчи "Д" витаминининг борлиги айни муддао бўлса, унинг таркибидаги темир моддаси эса камқонликни даволашда яхши самара беради.

Компьютер ишқибозлари ва кўриш қобилияти паст бўлганлар учун каротин моддаси жуда фойдали ҳисобланади. У асосан сабзида бўлади. Буни қарангки, ушбу модда қовоқ таркибида сабзиникидан беш баробар кўп экан. Бу ҳали ҳаммаси эмас! Фойдали қанд моддаси, В1, В2,



Қарвнинг усталари қовоқдан ҳатто мана бундай ажойиб санъат асарлари ҳам яратишади.

ларимга ҳам кўпинча қовоқли таомлар тайёрлаб берман, ортиқчасини бозорга олиб чиқамиз. Хуллас, қовоқ рўзгорбоп экин-да.

## ЮКСАК АГРОТЕХНИКА ШАРТ ЭМАС

Буни қарангки, биз билган қовоқнинг ҳам навлари кўп экан. Юртимизда қовоқнинг "Испанская", "Кашгарская", "Нон кади", "Палов кади", "Ширинтой" каби кўплаб навлари экилади. Аммо меваси йирик, мускатсимон ва қаттиқ пўстли қовоқнинг уч тури кўп тарқалган.

Қовоқ етиштириш учун катта малака ва юксак агротехника талаб этилмайди. Уни ҳар бир киши томорқасида етиштириши мумкин.

Қовоқ юқори ҳарорат ва қурғоқчиликка чидамсиз экин бўлгани боис, уни баҳор ойларида эккан маъқул. Қовоқ уруғи ҳарорат 10-15 °С илик бўлганда униб чиқади, 20-30 °С иссиқда яхши ривожланади. Қовоқ ёйилиб ўсиши ҳисобга олиниб, уруғи 2х1 метр ораллиғида қадалади. Ўсув даврида палак учлари чилпилиб, тез-тез суғорилса, серҳосил ва йирик бўлади. Навларига қараб қовоқ 110-140 кунда пишади. Гектарига ўртача 400-450 центнергача ҳосил олиш мумкин. Сақлашга ва ташишга чидамли.

Айни пайтда тажрибали томорқачилар қовоқни кўчат қилиб ҳам экишаётир. Яъни

– дейди хунарманд. – Яъни гижжак косасини қовоқдан ясаган экан. Изланиб, уни ўзлаштирдик. Айни вақтда худди шундай гижжакларни ясапмиз.

## ҚОҶОҚДА «К» ВИТАМИНИ БОР

Қовоқни витаминлар хазинаси десак ҳам бўлади. Чунки унинг таркибида "А" ва "Е" витамини – бошқача айтганда, ёшлик витаминлари бўлиб, улар ажинларга қарши фаол курашади, қовоқдан бошқа сабзавотда учрамайдиган "К" витамини эса қон айланишини яхшилайди. Ҳазми оғир ов-



Хунармандларимиз тайёрлаган бу каби санъат намуналарига хорижлик сайёҳларнинг қизиқиши катта.



Ҳар йили кузда Европада дунё бўйида етиштирилган энг катта қовоқлар танлови бўлиб ўтади.



Ушбу рўзгор идиши қўли тул хунармандларимиз томонидан томошақовоқдан тайёрланган.

В5, В6, РР витаминлари, ёғ, оксил, углеводлар, целлюлоза ва минераллар – буларнинг барчаси қовоқ таркибида мавжуд. Қовоқнинг данагидан тортиб, гули ва баргларигача, ҳаттоки уруғидан олинадиган ёғ ҳам шифобахш. Меваси таркибида 15-18 фоиз қуруқ модда, 4-11 фоиз қанд, аскорбин кислота, каротин, тиамин, рибофлавин, азотли бирикмалар, 0,7 фоиз бириктирувчи тўқима, 0,5 фоиз оксил, 0,2 фоиз ёғ, 0,6 фоиз кул моддаси, уруғида 20-40 фоиз ёғ бор.

## ДАСТУРХОНГА ФАЙЗ, ДАРДЛАРГА ДАВО

Қовоқдан пархезбоп таомлар ҳам тайёрлаш мумкин. Шу ўринда ортиқча вазнга эга кишилар учун қовоқ бўтқаси жуда фойдалилигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки у жуда кам калорияли ҳисобланади, осон ҳазм бўлади, модда ал-

машинувигача ёрдам беради. Бўтқага гуруч қўшиб пиширсангиз, ҳақиқий қувватбахш таомни тайёрлаган бўласиз.

Агар қовоқ шарбати кунига ярим стакандан истеъмол қилинса, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди, буйракдаги тошларни ҳайдайди, қондаги гемоглобин микдорини оширади, организмдаги ортиқча холестеринни йўқотишга ва юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлашга, ичаклар фаолиятининг яхшиланишига хизмат қилади. Қирғичдан ўтказилган қовоқни қайнатиб, бир қошиқ асал солиб истеъмол қилсангиз, уйқусизликдан халос бўласиз. Қовоқ шарбати чанқоқни босади, иситмани туширишга ёрдам беради.

Шунингдек, кам даражали куйишда унинг бўтқаси сурилса, бир зумда оғриқни қолдиради.

Хуллас, қовоқнинг хислати, ҳар соҳада хизмати кўп.

## О ШУНИНГДЕК...

### ГЎЗАЛЛИК ҲАМ БАХШ ЭТАДИ

Қовоқдан пардоз, хушрўйлик ато этувчи косметик восита сифатида ҳам фойдаланилади.

**Қуруқ юз териси учун ниқоб:** қайнатилган қовоқни эзиб, бўтқа ҳолига келтиринг. Сўнг бир қошиқ зайтун мойини аралаштириб, юзингизга суринг. 20 дақиқадан сўнг илик сувда ювиб ташланг!

**Ёғли юз териси учун ниқоб:** совитилган қовоқ бўлақлари билан юзингизни массаж қилинг.

Муқаддас БОБОМУҲАММЕДОВА тайёрлади.



## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Жиззах вилояти Фаллаорол тумани ҳокимининг 16.04.2013 йилдаги 02-267-сонли, 19.04.2013 йилдаги 02-274-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Савдо дўкони, телерадио устaxonаси ва сартарошхона биноси қуриш учун Фаллаорол тумани Молтоб ҚФЙ Янгиқишлоқ қишлоғи ҳудудида жойлашган 1 дона, умумий ер майдони 460,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 147 476 сўм.

**2.** Савдо дўкони, телерадио устaxonаси ва пайнет биноси қуриш учун Фаллаорол тумани Молтоб ҚФЙ Янгиқишлоқ қишлоғи ҳудудида жойлашган 1 дона, умумий ер майдони 380,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 121 828 сўм.

**3.** Савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қуриш учун Фаллаорол шаҳри Ф.Фулмон МФЙ Ж.Тоҳиров кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, умумий ер майдони 200,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 102 400 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Фаллаорол тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 27 май куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Фаллаорол тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 28 май куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 28 май куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор голиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2013 йил 28 майдаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2013 йилнинг 13 июнь куни соат 11:00 да

бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 12 июнь соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Фаллаорол тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 13 июнь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 13 июнь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини АТИБ "Ипотекабанк" Жиззах вилояти филиалидаги МФО 00122, СТИР 207122519, 2262600804920609001 х/рга тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисига закат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидаги нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Жиззах вилояти Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси 39-уй. Тел/факс: (8-372) 222-34-16, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия № RR 0001.

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Бешариқ тумани ҳокимининг 15.04.2013 йил кунги №93/02-01-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Савдо мажмуаси ичида №9-савдо дўкони қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар О.Водий кўчаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона, умумий ер майдони 18 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 248 сўм.

**2.** Савдо ва маиший хизмат шохобчаси қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар Янги ҳаёт МФЙ 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона, умумий ер майдони 250 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 93 817 сўм.

**3.** Маҳалла гузари қуриш учун Бешариқ тумани Рапқон ҚФЙ Рапқон қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона, умумий ер майдони 1 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 344 450 сўм.

**4.** Нон ишлаб чиқариш цехи қуриш учун Бешариқ тумани Товул ҚФЙ Товул қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона, умумий ер майдони 480 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 344 450 сўм.

**5.** Савдо ва маиший хизмат объектлари қуриш учун Бешариқ тумани Ватан ҚФЙ Жарбоши қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона, умумий ер майдони 1 738,5 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 598 826 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бешариқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади, 13:00 дан 14:00

гача тушлик ва 2013 йил 27 май куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Бешариқ тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 28 май куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 28 май куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор голиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини "Халқ банки" Фарғона вилояти филиали амалиёт бўлимидаги: МФО 00497, СТИР 207122519, 2020800004920609011 х/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисига закат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидаги нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғинович кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси. Тел/факс: (8-373) 224-68-69, rieltsavdo@inbox.uz. www.1kms.uz. Лицензия № RR 0001.

### ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРНИ ҚУРИШ ВА ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1. Сурхондарё вилояти Денов шаҳри Мустақиллик кўчасида Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси учун 15x24 м. ўлчамдаги икки қаватли маъмурий биноси қурилиши.** Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 742,297 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 618,581 млн. сўм, қурилиш муддати — 210 кун.

**2. Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Марказ ҚФЙда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва газначилик хизмати учун 12x30 м. ўлчамдаги маъмурий биноси қурилиши.** Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 754,173 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 628,478 млн. сўм, қурилиш муддати — 210 кун.

Объектларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**3. Сурхондарё вилояти Жарқўрган туманидаги 6-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.** Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 495,256 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 412,713 млн. сўм, қурилиш муддати — 210 кун.

Объектни молиялаштириш Бюджетдан ташқари таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш

ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси. Манзили: Термиз шаҳри А.Бакуменко кўчаси 5-уй. Тел. (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85 ф.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий маъмурият, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан мукаммал таъмирланадиган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, қурилиш қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган объектлар бўйича офёрталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устулик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — "Давархитектурилиш" кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/Факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76 ф.

Бир тўғлам танлов ҳужжатларининг нархи объект қийматига қараб — 70 000 сўмдан — 100 000 сўмгача.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишини охириги муддати офёрталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уйда ўтказилади.

Ташкилот	Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРҲИ томонидан (18.02.2011 й., реестр № 004639) рўйхатга олинган "SPANTA SPITAMEN" МЧЖ "SPANTA SPITAMEN" оилавий корхонасига ўзгаришини маълум қилади.
ЧП	"GULOM-NOSIRSHOH" (СТИР 302499270), расположенное по адресу: Хамзинский р-н массив Тузель-3 д. 28 кв-ра 9, зарегистрированное ИПСП Хамзинского р-на (13.02.2013 г., реестр № 004314-07), ликвидируется (решение о добровольной ликвидации № 3 от 23.04.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: (90) 902-43-86.
СП	ООО "KANOR" (ИНН 200548110), извещает об уменьшении уставного фонда с 2 897 332,40 долларов США до суммы 2 317 894,70 долларов США. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент ул. Пахлаван Махмуд, 2 тупик, тел.: 289-64-65.
Агентство	По Реализации Путевок "CHIMYON-CHORVOK" (ИНН 204726091), Мирабадского р-на, зарегистрированное 21.11.2003 г., реестр № 000064-03, расположенное по адресу: ул. Мовароуннахр д. 6, ликвидируется (Приказ № 41 от 10.04.2013 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.
Утеранный	угловой штамп ИП ООО "PIR-TECH" (ИНН 300090087), выданный Обл. Юстом Ташкентской области, считать недействительным.
ООО	"DONO-SAVDO", Хамзинского р-на г. Ташкента, уведомляет об уменьшении уставного фонда с 71 473 050 сум на 1 354 575 сум.
ООО	"KERAMZITOBETON" (ИНН 201250712), зарегистрированное ИПСП Сергелийского р-на, расположенное по адресу: ул. Сугдидёна-1, почтовый адрес: Саадий-151, объявляет об уменьшении уставного фонда с 245 962 915 сум до 4 000 000 сум. Претензии принимаются по тел.: 292-65-41.
Утеранный	план БТИ квартиры по адресу: М.Улугбекский р-н ул. Оккурдон д. 21 кв-ра 26, выданный М.Улугбекским БТИ на имя Лазовского Дмитрия Ивановича, считать недействительным.



# ВИТАМИНГА БОЙ БАЛИҚЛИ ТАОМЛАР

Кўп кезлари дармондори ҳамда витаминларга бой бўлган таомларни истеъмол қилиш жоиз. Бу борада организмни керакли витаминлар, минераллар ва оқсиллар билан таъминлашда балиққа етадигани йўқ. Унинг таркибиде В гуруҳи, А, D, E витаминлари, шунингдек, темир моддаси бор. Эътиборли жиҳати, балиқдан тайёрланадиган таомларга кўп вақт, маҳсулот кетмайди. Куйида тайёрланиш усули оддий, аммо витамин ва минералларга бой бўлган балиқли таомларни тавсия этамиз.



## БАЛИҚЛИ ТЕФТЕЛЧАЛАР

Даставвал балиқ гўшти нон билан гўштқиймалагичдан ўтказилади. Ярим тайёр масаллиққа тухум сариғи, туз, зираворлар қўшиб, яхшилаб аралаштирилади ва тефтеллар ясалади. Тайёр тефтеллар идишга солиниб, сўнгра озгина сув куйилади ва газ печида 20-30 дақиқада пишириб олинади.



**Керакли масаллиқлар:** 250 г. балиқ, 100 г. нон, бир дона тухум, туз ва зираворлар.

## БАЛИҚЛИ РУЛЕТ

Балиқ гўштини гўштқиймалагичдан ўтказиб, унга сўтда ивтилган нон қўшилади. Қиймага таъбга кўра туз қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Нам сочиқ устига тайёр масса 1,5-2 см. қалинликда ёйилади. Устига қайнатилган тухумни бўлақларга бўлиб, териб чиқилади, устидан майда тўғралган пиёз қўйилади ва рулет шаклида ўралади. Тайёр рулетни нон талқонига белаб, ёғланган товага солиб, газ печида пиширилади.

**Керакли масаллиқлар:** 200 г. балиқ, 50 г. нон, 100 г. сўт, 2 та тухум, 2 дона пиёз, туз.

## БАЛИҚДАН КҮЙМОК

Балиқ тозаланиб, йирик бўлақларга бўлинади. Кейин унга буланиб, қовуриб олинади ва ёғланган товага териб чиқилади. Сўтга тухум, озгина ун солиб яхшилаб аралаштирилиб, товадаги балиқ устидан куйилади ва газ печида пиширишга куйилади.

**Керакли масаллиқлар:** 200 г. балиқ, 0,5 стакан сўт, 1 та тухум, 2 ош қошиқ ун ва туз.



## БАЛИҚДАН ДИМЛАМА



Яхшилаб тозаланган балиқ гўшти йирик бўлақларга бўлиб олинади ва қозонга териб чиқилади. Сабзи, пиёз, картошка, кўкатлар майда тўғралиб, балиқ устидан терилади. Сўнгра озгина ўсимлик ёғи, томат пастаси ва сув куйиб, қозоннинг қопқоғи зичлаб ёпилади. Паст оловда 30-40 дақиқа димланади.

**Керакли масаллиқлар:** 300 г. балиқ, 2 дона қизил сабзи, 2 дона пиёз, 3-4 та ўртача катталикдаги картошка, 150 г. ўсимлик ёғи, 2 ош қошиқда томат пастаси, 1 коса сув ва туз.

М.БОБОМУХАММЕДОВА тайёрлади.

## ○ Мунаввар лаҳзалар



*Баҳор висотида олаш зийнати,  
Дунда ошуфталик мужассам гўё.  
Эзгуликка ёрдиғир инсон фикрати,  
Самийий шехрдан кўрк очар дунё!*

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.



**ҚҮЙ (21.03 – 20.04)**  
Келаётган ҳафтада зиммангизга масъулятли иш юклатилиши мумкин. Сиз ғайрат-шижоатли, омадли устига-устак, ишинг кўзини биладиган тадбиркор инсонсиз. Демак, бу вазифани аъло даражада бажара olasиз.

**БУЗОҚ (21.04 – 20.05)**  
Ушбу ҳафтада пулингизни тежаб-тергаб ишлатишни, катта сармолярингизни ҳам энг фойдали деб билган лойиҳаларингизга сарфлашни маслаҳат берамиз. Бу билан сиз каттагина моддий зарар кўришдан сақланасиз.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05 – 21.06)**  
Меҳрибон ҳамда кўнгилчанлигингиз туфайли кўпинча панд ейсиз. Шу боис, ушбу ҳафтадаги янги ҳамкорлар билан келишувда атрофдагилар, яқинларингиз фикри билан ўртоқлашганингиз дуруст.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 – 22.07)**  
Юлдузлар ҳаётингизда юксалишлар даври бошланишидан дарак бермоқда. Омад жиловини кўлингизга олиб, фақат олдинга интилавиринг. Зеро, интилганга толе ёр.

**АРСЛОН (23.07 – 23.08)**  
Иш фаолиятингизда катта ютуқларга эришишда соғлигингиз панд бериб қўяётганидан нолиманг. Астойдил тиббий муолажаларни олсангиз, соғлигингиз тикланиб, бундан-да улкан муваффақиятларга эришингиз мумкин.

**ПАЗИЗОД (24.08 – 23.09)**  
Сизни муваффақиятлар кутмоқда. Гуё ушбу ҳафтада омад ортингиздан эргашиб юради. Амал поғонасида ҳам юқорилашингиз эҳтимоли йўқ эмас. Атрофдагиларнинг сизга жуда ҳаваси келади.

**ТАРОЗИ (24.09 – 23.10)**  
Ҳаёт синовларга тўлалиги билан қизиқ. Бир қарашда ҳал этиб бўлмайдигандек кўринган муаммолар олдида таслим бўлманг. Сиз ҳар қандай вазиятда ҳам голиб чиқасиз.

**ЧАЁН (24.10 – 22.11)**  
Сиз танқидни жуда ёмон кўрасиз. Аммо бу ҳафтадаги танқидни ҳар қачонгидан-да тўғри қабул қилишга мажбурсиз. Чунки бу эътироз сизга жуда катта муваффақиятларни тақдим этиши эҳтимолдан холи эмас.

**ЎҚОТАР (23.11 – 21.12)**  
Ҳафта мобайнида тежамкорлик қиламан, десангиз-да сарф-харажатларингиз ортиб кетиши мумкин. Даромадга яраша буромад, деганлари шу бўлса керакда. Ташвишланманг, барчаси яхшилиққа, истиқболни кўзлаб қилинапти.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 – 20.01)**  
Ушбу ҳафтада иш фаолиятингизда нималарга қодир эканлигингизни кўрсатиб қўйиш имкониятидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг. Нуфузли одамлар янги гоьларингиз билан қизиқиб қолади.

**ҚОВҒА (21.01 – 20.02)**  
Сиз доим мустақил бўлишга, мустақил қарор қабул қилишга интилиб келгансиз. Келаётган ҳафтада сизнинг бу мақсадингиз рўёбга чиқади. Диққат-эътиборингизни бир жойга жамлаб иш юритишни маслаҳат берамиз.

**БАЛИҚ (21.02 – 20.03)**  
Анчадан буён олиб бораётган изланишларингиз самараси ўлароқ, ҳафта сўнгида ажойиб янгилик яратасиз. Бундан ҳаволаниб, ҳаммаслақ яқинларингизни унутиб қўйманг. Хурсандчилигингизни улар билан баҳам кўринг.

Бош муҳаррир:  
**Чори ЛАТИПОВ**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидеги ҳамда шу тармоққа дахлдор вази́рлик ва идоралар.

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдихаб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ФУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**  
Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; ВИЛОЯТЛАР: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар:**

**236-58-83, 233-28-04.**

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2030-7021  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир:

Ш.ЙЎЛДОШЕВ

Мусаҳҳих:

О.ОЧИЛОВ

Дизайнер:

М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.  
Буюртма Г-414, ҳажми 3 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz  
qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 21.35  
22777 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.  
Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5